

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 255

2022 йил « 23 » « 11 »

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Д. Матмусаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «**Бажарувчи**» деб юритиладиган “Namangan yo'l-loyiha byurosi” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори **М.Рахимов** иккинчи томондан, мазкур **Наманган вилояти Чортоқ тумани Мустақиллик МФЙ А,Навоий кўчасида цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти** учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш, ушбу ЛСХ бўйича муаллифлик назоратини амалга ошириш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ҚОИДАЛАРИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ККС билан 15 000 000 (Ўн беш миллион) сўмни ташкил этади** ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиха ишларини бажариш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2 Мазкур шартнома Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳамда Буюртмачининг объект бўйича шахсий ҳисоб варағига тегишли бюджетдан маблағ тушганидан сўнг 10 кун ичида шартнома суммасининг 15% миқдорда аванс тўловини амалга оширади.

2.3 Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш объект бўйича экспертиза хулосаси олиниб ва 3 (уч) нусхада лойиха-смета ва бирламчи хужжатларни Буюртмачига далоатнома асосида расмийлаштириб тақдим этилгандан сўнг, Буюртмачининг объект бўйича тегишли бюджетдан ажратилгандан маблағлар доирасида 15 кун ичида амалга оширилади. Бунда “Буюртмачи” “Бажарувчи” олдида тўлиқ ёки ўз вақтида молиялаштирилмаган маблағлар учун жавобгар эмас.

2.4 Шартномада кўрсатилган объект бўйича олиб бориладиган муаллифлик назорати ушбу шартнома қиймати доирасида ҳисобланади.

2.5 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ лойиха ва қидирув ишларини бажариш учун дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавобгардир;

✓ лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади;

✓ тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан ободонлаштириш, сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти ташкилотлари) билан келишиб олиши шарт;

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 ва 2 иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун шартномада назарда тутилган муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ экспертизадан ўтган лойиха-смета хужжатларини 3 кун муддат ичида 3 (уч) нусхада буюртмачига тақдим этиш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни 3 кун муддатда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш хажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи тўлиқ қоплайди ҳамда буюртмачи олдида мулкый жавобгар бўлади;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

✓ Буюртмачи розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсга бермаслиги шарт.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

3.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармонида асосан объектни қуришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойихачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назоратини олиб бориши шарт;

✓ Бажарувчи лойиха-смета бўйича қуриладиган объектга ҳар ойда 3 мартаба муаллифлик назорати учун бориши шарт.

3.4 Лойихачи лойиха-смета хужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

IV. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Ушбу шартнома бўйича лойиха сметалари учун бюджетдан ажратилган маблағлар етарли бўлмаса, ушбу маблағларни тўлаш бўйича буюртмачи жавобгар бўлмайди;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

4.2 Тайёрланган лойиха-смета хужжатларини ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисатан кўзғатилган даъво аризаси бўйича ишга қатнашишга Лойихачи жалб қилиниши шарт.

V. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1 Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш лойиха-смета хужжатларини бажариш лойиха олди топшириғи талабларига биноан белгиланади.

5.2 Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойихачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан хужжатлар тўпламини топширади.

5.3 Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.2 бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойихачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликни асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

5.4 Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузади.

5.5 Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.6 Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертизага лойиха бўйича ҳулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома шартларига асосан тўловларни амалга оширилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун

хужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва тақлиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг қучга киради.

9.10 Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«БАЖАРУВЧИ»

Наманган вилояти хокимлиги ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси

“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSИ” МЧЖ

Манзилгоҳ: Наманганская область г. Наманган
Наманган шаҳар А.Темур куча 105-уй

Телефон: 233-06-11

Шхв: 30452186014401704512918388

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР 204 808 298
ОКОНХ:

Ғазначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014

ИНН 201 122 919

Банк: ХККМ МБ Тошкент шаҳри Бош
бошқармаси

Директор  Д.Матмусаев

Манзилгоҳ: Наманган шаҳри, оромгоҳ кўчаси, 6–уй

Х/р: 2020 8000 7051 4977 2001

Банк: “Траст банк” Наманган филиали

МФО: 01060

ИНН: 306 918 884

ОКОНХ

Директор  М.Рахимов

Хуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хуқуқий маслаҳатчиси

К.Тулашев

« » 2022 йил



« 23 » 11 2022 йил
255-сонли шартномага

Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш
С М Е Т А С И

Наманган вилояти Чортоқ тумани Мустақиллик МФЙ А, Навоий кўчасида цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишлари.

Буюртмачининг номи: **Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси**

Лойиҳа ташкилотининг номи: « **NAMANGAN YO'L-LOYIHA BYUROSИ** » МЧЖ

т/р	Ишларнинг номи	Лойиҳалаш ва кидирув учун нархлар тупламининг қисмлар, боблар, жадваллар ва бандлари	Баҳосини ҳисоблаш	Баҳоси сўм
1	2	3	4	5
1	Наманган вилояти Чортоқ тумани Мустақиллик МФЙ А, Навоий кўчасида цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини харажати Курилиш қиймати 600000000 сўм	Лойиҳа-тадқиқот ишларини қийматини аниқлаш тартиби тўғридаги Низомнинг 1 илова 44,5 т.р, 4 илова 9 т.р.	600 000 000 x 0,025	15 000 000
Жами:				15 000 000

Смета бўйича жами ККС билан: 15 000 000 (Ўн беш миллион) сўм.

Директор



М.Рахимов

МУХОКАМА АХБОРОТИ

«23» ноябр 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи.Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 12 ноябр № 22110012188578-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари “ тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Чорток тумани Мустақиллик МФЙ А,Навоий кўчасида цемент-бетон копламали йўл қуриш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни бўйича “NAMANGAN YO'L-LOYIHA BYUROSИ” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш куни ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиммати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 и. ҳолатига объект қолдиқ қиммати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 и. ҳолатига иилдан иилга утувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиммати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйималар лимити					2022 йил ҳисоблашда топширилган		01.01.23 и. ҳолатига иилдан иилга утувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиммати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 и. ҳолатига иилдан иилга утувчи объектнинг модиялаштириш қолдиқи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза хулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов) лар натижасига эришма баённома рақами ва санаси	Ташкилот номи	
							Жами капитал қўйималар	Қурилиш - монтаж ишлари	Ўқим	Бу юртмачи бошқа харажатлари		Қувват/муддат	Асосий фонд суммаси						
										Жами	жумладан, саклаш харажатлари								
							8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
3	Хайрли МФИ Осуда кўчасида кластер усулида цемент-бетон қопламали йўл қуриш (*)	2022и	2,500				900,000	840,260		59,740									
4	Мустақиллик МФИ А.Навони кўчасида кластер усулида цемент-бетон қопламали йўл қуриш (*)	2022и	1,000				500,000	474,150		25,850									

Изоҳ(*): Ушбу объектнинг ИСХ ш/ч экспертиза хулосаси олингандан сўнг объект қуввати ва қимматига аниқлик киритилади



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 188578 на приобретение Чортоқ тумани Мустақиллик МФЙ А,Навоий кўчасида цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш

Способ проведения электронный

Дата 19.11.2022

Время рассмотрения 18.11.2022 18:31

Закупочная комиссия Наманган вилояти хокимлигининг ЯБИК, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари	Наманган ЯБИК
Секретарь комиссии	ТО‘ХТАБАЙЕВ AKRAMJON BOQIYEVICH	Бош мутахассиси	Наманган ЯБИК
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	земеститель директора	ГАСН
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMXON ABDUMAXMUDXON O‘G‘LI	Loyixa va pudrat tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtirish bo ‘lim boshlig‘i.	Namangan viloyati Qurilish bosh boshqarmasi,
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Бош мутахассиси	"SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК Наманган вилояти филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.11.2022 года № лота 188578.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Чортоқ тумани Мустақиллик МФЙ А,Навоий кўчасида цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиха олди хужжатлари билан)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	16 442 000.00
Стартовая сумма	16 442 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	5	5	2	Экспертная		
НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ	5	15800000	2	Экспертная		

Критерий №2 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	20	20	18	Экспертная		
НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ	20	15800000	18	Экспертная		

Критерий №3 Танлаш иштирокчисининг аввалги) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	20	20	15	Экспертная		
НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ	20	15800000	15	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ	5	5	2	Экспертная		

НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ	16 442 000.00	15 800 000.00 UZS	15 800 000.00	00.00	15 800 000.00	17.11.2022 09:49:59	94.93671
“NAMANGAN YO’L- LOYIHA BYUROSИ” МЧЖ	16 442 000.00	15 000 000.00 UZS	15 000 000.00	00.00	15 000 000.00	16.11.2022 14:12:53	100

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ	Прошел	94.93671	94.93671
“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSИ” МЧЖ	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 188578 от 19.11.2022 года на приобретение Чортоқ тумани Мустақиллик МФЙ А,Навоий кўчасида цемент-бетон қопламали йўл қуриш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш определила победителем:

“NAMANGAN YO’L-LOYIHA BYUROSИ” МЧЖ
306918884

и резервный исполнитель: НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ (200047379)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMxon ABDUMAXMUDXON O’G’LI	Согласен	
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП